



2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета

ЖАМИЯТ

№ 29-30
(949)
2025 йил
24 июль,
Пайшанба

ХАЛҚИНИ ЭЪЗОВЛАГАННИ ҲАҚ ҚУЛЛАЙДИ



Ватан учун!

Икки-уч йил олдин паспорт янгилаш учун туман марказига бориб, у ерда уч тўртта одамни учратиб, дафъатан хайрон қолгандим. “Иш куни эмасми бугун паспорт столда?” дея сўрагандим шу ерда юрган бир йигитдан. “Ҳар куни иш, лекин ҳозир паспорт ва бошқа ҳар қандй хужжатларни давлат хизматлари маркази, қолаверса, онлайн олиш мумкин бўлгани учун гавжум эмас. Сиз шунга хайрон қолаяпсизми?”, деди укамиз саволимга савол билан жавоб қайтараркан.

Ҳа, чиндан ҳам хайрон қоладиган ҳолат.

Ахир, кечагина паспорт олиш учун турнақатор навбатларни, асабийлашишларни эсимиздан чиқарганимиз йўқ. Бугун эса исталган жойдан туриб нафақат паспорт, балки ҳайдовчилик гувоҳномаси, техник паспорт, турли маълумотнома каби керакли хужжатларни олиш учун сўровнома юбориш мумкин. Замонавий коммуникациялар авж олиб, ривожланаётган бугунги кунда бундай қулайликдан фойдаланмаслик уят ҳисобланади, аслида. Лекин масаланинг бошқа жиҳати бор: имконият яратилмасачи?

(Давоми 2-3-саҳифаларда)

ЖАЛҚИНИ ЭЪЗОВЛАГАННИ



(Боши 1-саҳифада)

Кейинги саккиз йилда ислох этилмаган соҳа қолмади, ҳисоб. Тадбиркорларга берилаётган имтиёзлар, аёллар, кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларга, ногиронлиги бор қалби ўксикларга кўрсатилаётган мурувватнинг баҳосини бирор нима билан қиёслаш мумкинми? Ёшларга нисбатан ғамхўрликничи?

Буларнинг бари Шавкат Мирзиёевнинг халқпарварлиги, бағрикенглиги, мардлиги ва энг асосийси, самимияти туфайлидир. Дунё бойликларини оёғингиз тагига келтириб берган зот агар Сулаймон пайғамбар бўлса ҳам, бу ишининг ортида миннат турган бўлса, бу савоб эмас. Агар мисқолча яхшилик бўлсаю, унинг ортида самимият ва бегаразлик мавжуд экан, бунинг баҳоси, даражоти баланд ҳисобланади. Президентимизнинг ҳар бир нияти ва уни амалга ошириши ана шундай юксак мақомда. Ўзбекистонда берган бўлсангиз керак: Юртбошимиз бирор жойда баландпарвоз гапирмайди, доим жайдари ва рост сўзларни айтади, икки каломининг бирида халқ, дейди, халқим, дейди. “Барча давлат ходимлари халқимизга хизмат кўрсатиши керак” дейди ва бунинг исботини амалда кўриб келаяпмиз. Илгари бирор вилоят ёки туман ҳокимини кўриш у ёқда турсин, қабулига “илиниш” ҳам катта гап ҳисобланар, умуман, раҳбарман дегани, улар ўтирадиган идоралар “зирҳли қалқон” эди. Бугун эса каттаю кичик идора эгаларининг барчаси “пастга” тушди, қишлоқ-ма-қишлоқ юриб, одамларнинг дарду қувончига шерик бўлмоқда, муаммосини ҳал этмоқда. Биз эса буни худди шундай бўлиши керакдек баъзан суийестемол ҳам қилаёпмиз. “Суийестемол” деганимиз шуки, бугунги яхшилик ва эзгуликларни кўпам қадрламаёпмиз. Ҳолбуки, кечагина пластик картаимизга тушган пулни кимлардир катта фоиз билан нақдлаштириб берарди. Кези келганда бир гап. Қишлоққа бориб қолсам, пенсионерлардан маломатга қолиб юрардим. Негаки, улар

мени кўриши билан: “Ҳой ука, сен қанақа журналистсан, пенсиямизни нақдлаштириш учун 30, ҳатто 40 фоизгача рози бўлмасдан иложимиз қолмаяпти, наҳотки шуларни ёзмасанг?” дерди. Ёзиб бўлмайдиган, ҳеч нерса деб бўлмайдиган, ҳеч нарса қилиб бўлмайдиган даврлар ортда қолгани чин бўлсин. Бугун ҳар қадамда банкومات бор, онлайн тўловлар изга тушди, илгари, масалан, электр энергияси ва табиий газ тўловлари учун назоратчилар келарди ва пулимизни олиб, ҳисобимизга туширмай, еб кетган пайтлари қайта-қайта такрорланарди-ку, наҳотки эсимиздан чиқди?!

Халқини мутлақо ўйламайдиган раҳбарлар бор. Юртини, мамлакатини сотиб, одамларни тушқун аҳволга солиб қўйганларни ҳам кўриб турибмиз. Шукрки, бизнинг Давлат раҳбаримиз ҳамиша халқ орасида. Ёлғон статистикаларни, ўлик рақамларни асло хуш кўрмайдиган Президентимиз самимият тимсоли. Шу инсон Президент бўлдию, раҳбарлар осмондан пастга тушди. Аввал қандай эди аҳвол, бир миллани кўрсак, ҳеч айбимиз бўлмасаям оёғимиз қалтирарди. Шавкат Мирзиёевнинг халқимизга қилаётган яхшиликлари беҳисоб...

Бугун коррупцияга қарши кураш бошланди. Кунда кунора ижтимоий тармоқлар орқали у ёки бу раҳбарнинг пора олиб қўлга тушгани ҳақида ўқияпмиз. Қаранг, сизу биз, давлат ишонган мутасаддилар шундай ножўя ишга қўл урса, бошқалардан нима кутиш мумкин? Аслида, нопок шахсларнинг кимлигини ошкор қилмасдан ҳам жавобгарликка тортиш мумкин, аммо одамлар кимнинг кимлигини билсин, деган маънода шу ишлар қилинапти, уларнинг асл юзи кўрсатилапти. Жамиятда ҳалоллик ва поклик устувор бўлмас экан, тараққиёт ва юксалиш ҳақида гапириш тугул, ўйлаш ҳам қўлгиди. Шу боис давлат раҳбари бундай қабих иллатни кескинлик билан йўқ қилиш тарафдори. Эсланг, бундан тўрт-беш йил муқаддам Президент бир соҳа ходимлари ҳақида гапириб: “Ўзи булар отини тўғри ёзолмайди, лекин уйини кўрсанг данғиллама, тўртта

бешта мошинаси бор, нима булар атомни ихтиро қилганми, қайси пулига буни куради. Ўғри бўл, инсофли бўл?” дея жуда қаттиқ гапирган эди. Бу гаплар аслида бошқаларга ҳам тегишли.

Ўйлаб кўринг, катта микдорда пора билан қўлга тушаётганлар нега кўп? Қўлга тушмаганлари, ўй-хаёли фақат давлатни кемириш, тадбиркорни шилиш бўлганлар қанчадан қанчаю уларни ким назорат қилади? Қариндош-уруғи номига олиб берган уй, кўчмас мулк, савдо дўконлари, мошиналар учун ҳавога сарфланган беҳуда харажатлар. Мана шуларнинг ҳаммасини тафтиш қиладиган кунлар келди.

Президент яқинда коррупцияга доир мажлис ўтказди. Жуда қаттиқ гаплар айтилди. Агар ана шу ерда айтилган гаплар амалга ошса, катта ўзгаришлар бўлади. Ҳар ҳолда шунга ишонамиз. Бунда жамоатчилик назорати муҳим аҳамиятга эга эканлиги айтилди. Бу нима дегани?

Эсланг, авваллари маҳаллага бирор бегона келса, ҳамма хушёр тортиган. Бир қишлоқда яшаса-да, бошқа гузарда санқиб юрган ёш-ялангчи катталар албатта назорат қилган. Ножўя иш қилса, кимнингдир кизини пойлаб борган бўлса-ку, кўрадиганини кўрган. Оқсоқоллар юзингда кўзинг борми, демасдан оёқни нотўғри босаётганларнинг ковушини тўғрилаб қўйган. Содда қилиб айтганда, жамоатчилик назорати, бу — бефарқ бўлма, дегани.

Шу маънода, бугун Президентнинг талаби билан шундай қатъий тизим яратилаптики, бир кўчада

яшовчи ҳоким ҳам, банкир ҳам, тадбиркор ҳам, фаррош ҳам ҳалол бўлсин. Ҳокимнинг қозонида қайнайидиган ҳар кунлик гўшт фаррошнинг ўчоғида ҳам пишсин. Шундагина одил жамият, ҳалоллик пайдо бўлади. Юрт ривожланади.

Давлат деб қўйибди буни

Сиз ҳам кўриб, сезиб юргандир-сиз: охириги пайтларда кўча, разбор, деган гаплар кўпайган эди. Палончи ташкентски, писмадончи анжанли, яна бир балою баттар лақаблиларни эшитиб қолардик. Энг ёмони, шу кўча дайдилари билан танишлигини айтиб мақтанадиганлар кўпайиб бораётган эди. Ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари бошида ҳам рекэт, деган гап авж олган, мошина, одам ўғрилари, «можаролар даллоли» кабилар сафи кенгайиб бораётганди.



Умрида китоб ўқимаган, китоб деса кўнгли айнийдиганлар «Чўқинтирган ота», «Қашқирлар макони» каби филмларга ружу қўйди. Кўча куйда гуруҳ-гуруҳ бўлиб юришлар кўпайди. Ҳатто мактаб ўқувчилари, ўқувчи қизлар кўча газандаларига тақлидан “разбор” қиладиган бўлишди.

Ана шундай бўйни йўғонлар қўлга олинаётганини эшитиб, рост, қувондим. Демак, муаммоларга қарши қатъий кураш бошланди. Аслида ҳар қандай муаммо хавфсизлик таъминланмасе келиб чиқади. Биз ҳамиша тинчлик, омонликнинг кадрига етадиган халқимиз. Давлат-



ҲАҚ ҚЎЛЛАЙДИ

га ишонадиган, ислохотларга ишонадиган элмиз. Шу юрт тинчлиги учун курашиш, уни асраш, авайлаш давлат қўлида, деб қатъий суянмиз. Бошланган рейдлар “кўча”ни тартибга солиб қўйишига аминмиз. Зеро, Президент Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, давлат деб қўйибди буни.

Йўқлов

Президентнинг самимиятига қойил қолиш керак. У ҳеч кимни эсдан чиқармайди. Ҳар қандай одамга зўр мотивация беради. Яқинда қўшни Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти Нурсултон Назарбаевга телефон қилиб, туғилган куни билан табриклади. Ишдан кетган, энди кимга кераги бор демади, йўқлаб, кўнглини кўтарди. Худди шундай ҳолат сал олдинроқ Туркманистоннинг миллий етакчиси билан ҳам рўй берди. Умуман, Шавкат Мирзиёевнинг олис ва яқин, қардош мамлакатлар раҳбарлари билан муносабати, муомаласи, уларни йўқлаб туриши, шахсий ибрати туфайли бошқалар ҳам бундан андоза олмоқда. Уришиш, талашиш, ўзини баланд олиш эмас, аксинча қўлни-қўлга бериб олға қадам ташлаш ҳаммага яхши бўлишини бугун бутун дунё аҳли Президентимиз тимсолида англаб етмоқда.

Шавкат Мирзиёев бутун дунё раҳбарларига бу ўткинчи ҳаётда ғаразу терс қараш билан эмас, ҳурмат, ҳамкорлик ва дўстона руҳда яшаш бўйича «мастер класс» ўтиб келмоқда. Қалқиб турган бу замин, бу сайёра ҳар қачонгидан ҳам кўра бугун ана шундай оқил сиёсатчига муштоқ эди...

Самимият ва камтарлик ҳақида гап кетар экан, Президентнинг жорий йил Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимда минбарга махсус аравачада яқинлашган қизни табриклаши, сўнг ўзи аравачани суриб, қизалокни ўрнига олиб бориб қўйиши, Ёшлар кунида Тошкент вилояти ҳокими айтиб, спортчи қизга уй совға қилиши, Навоий вилоятидаги фаоллар

йиғилишида сўзга чиқиб, бизга дух бердингиз, э, узр сиздан куч оламиз, деган қизга: “Дух бердингиз деяверинг, менга шу сўз ёқади”, дея уни хижолатдан қутқарибгина қолмай, меҳр билан муносабатда бўлгани, яна бир мажлисда баландпарвоз гапларни бошлаган йигитчани тўхтатиб: “қўй бу гапларни, ундан кўра битта шеър ўқи” дейиши ғоят камтарлик ва улуғлик беглисики, бундан ҳаяжонланиб, кўзимизга ёш келгани ростку!

Бу камтарлик, хоксорликнинг белгиси. Сиз шундай бўлоласизми?..

Президент Шавкат Мирзиёев 30 июнь – Ёшлар куни муносабати билан ўтказилган учрашувда нутқ сўзлади. Ўзбекистон ёшларини ушбу қутлуғ айём билан табриклаб, уларга меҳри ва ишончини билдирди. Бу меҳр ва эъзозга жавобан ёшларимиз ҳам дадил одимламоқда. Ўтган йили юртимиз ёшлари “ТОП-500” талик олийгоҳларга кириш бўйича Марказий Осиёда 1-ўринни эгаллади. Бугунги кунда 30 нафар йигит-қиз дунёдаги “ТОП-10”, 500 нафари “ТОП-100” ва 1 минг 500 нафари “ТОП-300”дан жой олган нуфузли университетларда таҳсил олмоқда.

Юртдошларимиз санъат, спорт соҳаларида ҳам катта муваффақиятларга эришмоқда. Яқинда футбол бўйича миллий терма жамоамиз тарихда илк бор жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритди.

– Биринчи ва иккинчи Ренессанс буюк аллома ва мутафаккирларимиз яратган бўлса, бугун тарих навбатни сизларга бермоқда. Ишончим комил, сизлар барча соҳаларда мамлакатимиз байроғини баланд кўтаришга қодирсиз. Сизлар – Янги Ўзбекистон бунёдкорлари сифатида янги тарих яратадиган олтин авлодсиз, – дея таъкидлади Президент.

Ёшларга сифатли таълим-тарбия бериш, хорижий тилларни ўргатиш, касб эгаллаб, ҳаётда муносиб ўрин топишига кўмаклашиш – давлати-

мизнинг асосий вазифасига айланган. Бунда замон талабидан келиб чиқиб, зарур шароитлар яратилмоқда.

Миллий дастур асосида ҳар йили энг салоҳиятли 3 минг ўқувчи танланиб, Гарвард, Йель, Колумбия, Корнель каби дунёнинг нуфузли олийгоҳларига тайёрланади. Шундан камида 300 нафари эҳтиёжманд оила фарзандлари бўлади. Бу нима дегани? Бу инсон қадри улуғланаётган юртда энг чекка қишлоқда мол-қўй боқиб юрган камбағалнинг боласи ҳам интилса, ўқиса, давлат уни рағбатлантиради, кўкларга кўтаради дегани. Шунинг учун ўқиш ва изланишдан асло тўхтамаслик керак. Бугунги кун, бугунги давр мана шундай имконият берапти. Зотан, Имом Бухорий айтганларидек: “илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмамай!”




Ёшларимизнинг улуғ аجدодларга муносиб ворис бўлиш иштиёқида интилаётгани, шунга мос тарзда ютуқларга эришаётгани хусусида сўз борар экан, ўз ўрнида ўсиб келаётган авлод учун ҳамиша ибрат намунаси бўлиб келган бобокалонларимиз хотирасига кўрсатилаётган эҳтиромни ҳам айтиш жоиз, деб билдик. Масалан, Самарқанднинг Пайариқ тумани Хартанг қишлоғида мангу кўним топган Имом Бухорий ҳазратларининг руҳини шод этиш борасидаги саъй-ҳаракатларни олайлик. Бутун дунёга донғи кетган алломанинг зиёратига келаётганлар орасида чет элликлар ҳам жуда кўп. Йилдан йилга уларнинг сафи ортиб бормоқда. Илм ўрга-

нишга иштиёқмандлар ҳам кўп келади бу даргоҳга. Лоақал бир марта бўлса ҳам ҳазратнинг қабри ёнида туриб, фотиҳа ўқисам, қанийди, дея ният қилганларнинг-ку саноғи йўқ. Олам аҳли ҳивас қиладиган шундай табаррук зотга қандай ҳурмат кўрсатиш кераклигини билмоқчи бўлганлар, Пайариққа бир боришсин. Улуғ зот кўним топган манзил қай даражада обод этилиб, зиёратчилар учун нечоғлик шароит ва қулайлик яратилаётганини кўрсин. Бинобарин, 2024 йилнинг август ойида Самарқандда улуғ алломалар меросига бағишланган халқаро конфе-

ренцияда Қатар Миллий кутубхонаси директори Доктор Тан Ҳусим хоним айтганидек: “Ислом оламида Имом Бухорийни билмаган инсон йўқ. Жуда кўплаб мусулмон оламига хос кашфиётлар ҳам ушбу аллома номи билан боғлиқ. Тарихни, ислом тарихини ойдинлаштиришда ҳам ушбу шахс муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ушбу аллома ҳаётини, илмий фаолиятини ўрганиш билан боғлиқ билдираётган таклифлари олимларни, уламоларни янада жипс бўлишга чорламоқда. Бунинг учун катта раҳмат!”

...Табииyki, бир кичик мақолада бугунги ислохотлар самарасини тўла қамраб олишнинг имкони йўқ. Мусаффо осмоннинг, мушфиқ заминнинг, сув ва ҳавонинг аҳамиятини ўлчаб бўлмаганидек, қисқа фурсатда бўй кўрсатган эзгуликларни баҳолаш, қиёслаш ҳам ўта мушкул. Аммо шуниси аниқки, юртини жон қадар севувчи Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг барча мақсад ва муддаолари замирида инсонпарварлик ва халқпарварлик муҷассам. Халқини эъзозлаганни эса Ҳақ қўллайди.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ





Ўзбекистонда 2024/2025 ўқув йилида фаолият юритаётган умумтаълим муассасалари сони 10 943 тани ташкил этган бўлиб, Республика бўйича 6 776 333 нафар ўқувчи умумий ўрта таълимга қамраб олинган. Юқоридаги умумтаълим мактабларида 564,9 минг нафар ўқитувчи келажак ёшларига таълим бериб келмоқда.



МАКТАБ ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИ ёш авлод келажаги ва миллат тараққиёти гаровидир



2025 йилда 257 номдаги янги дарслик мажмуаларини яратиш режалаштирилган бўлиб, сўнгги беш-ўн йилда мактаблар учун янги авлод дарсликлари, электрон қўлланмалар, интерактив платформалар яратилиши Ўзбекистон таълим соҳасидаги жиддий ислохотларнинг амалий натижасидир.

Ёшлар тафаккурини камол топтиришда болалар учун яратилган таълимий маҳсулотлар – воситалар муҳим ўрин тутати. Улар болаларнинг интеллектуал ва ҳиссий ривожланишига, билим олишга бўлган муҳаббатни тарбиялашдан то қимматли ҳаётий сабоқлар бериш ва ижодкорликни уйғотишгача кўникмалар пайдо қилишга катта таъсир кўрсатади.

Бугунги кунда дарсликлар таъминотида кўплаб муаммолар ҳам сақланиб қолмоқда. Ҳозирги кунда ҳам кўп бола битта дарсликдан фойдаланишга мажбур, айрим мактабларда китоблар етишмайди, кўплаб китоблар эски, ахбороти эса замонавий ҳаёт ва талабларга мос эмас. Ҳатто йирик шаҳарлардан узокдаги айрим мактабларда, бир қатор сабаблар туфайли, дарсликлар 2-3 йил аввалги нашрларда қўлланилади, бу эса таълим сифатига салбий таъсир кўрсатади. Электрон китоблардан фойдаланиш имконияти интернет ва қурилма йўқлиги сабабли ҳам барча ўқувчилар учун тенг эмас.

Республикада ҳар йили ўнлаб янги дарсликлар, қўлланмалар, хрестоматиялар ва электрон адабиётлар ишлаб чиқарилади. Улар турли босқичлар: дастлаб концепция, сўнг муаллифлар гуруҳи томо-

нидан ёзилиши, илмий ва методик экспертиза, апробация (мактабларда синовдан ўтказиш) ва оммавий нашр этиш орқали жорий этилади. Бироқ, баъзи фанлар ва тоифаларда мутахассис кадрлар етишмаслиги, илмий-методик кенгашларнинг ташкил этилишида халқаро экспертларнинг иштирок этмаслиги, амалий педагог ва психологларнинг етарлича жалб қилинмаслиги кўзга ташланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги “2022-2026 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида ҳам замонавий янги авлод дарсликларини яратиш масалалари куйилган.

Узлуксиз таълим тизими учун тайёрланган дарсликлар бир-бирини такрорламаслиги, аксинча, мазмунан тўлдириши, ўқувчи билимини босқичма-босқич юксалтиришга хизмат қилиши керак.

Маълумот ўрнида шуни айтиш керакки, Республикамиз халқ таълими тизимида 1-синф ўқувчиларига ҳар йили (Президент совғаси таркибида), 2, 3, 4-синф ўқувчиларига ҳар 2 йилда, 5 ва ундан катта синфларга эса ҳар 4 йилда бир марта дарсликлар чоп этилади.

Мактаб дарсликларини яратиш мушкул иш эканлиги яхши биламиз. Бунинг учун катта билим ва салоҳият, меҳнат талаб қилинади. Шу боис китоблар бир нечта кишидан таркиб топган жамоа томонидан ёзилади.

Амалдаги дарсликларнинг муаллифлари ҳам таникли, чуқур билимга эга бўлган адабиётшунос олимлар. Дарсликлар 4-5 йилда янгиланади (охирги ўн йилликдаги янгиланишлар унчалик фарқ қиларли даражада эмас). Аммо муаллифлар ўзгармайди. Бизнингча, мактаб дарсликларини тузадиган муаллифлар таркибини қайта шакллантириш, тўлдириш керак. Бу билан ҳозирги дарсликларнинг муаллифи бўлган ҳурматли олимларимизни қатордан четлатиш лозим демоқчи эмасмиз. Фақат китобларнинг савиясини юксалтириш ва мундарижасини янада бойитиш учун муаллифлар сафини кенгайтириш тарафдоримиз. Дунёни теран англайдиган, уйғоқ фикрли китобхонларни тарбиялаш яратилаётган ўқув адабиётларнинг давр талабига мос бўлиши билан белгиланади. Шу маънода илм-фаннинг энг сўнгги ютуқлари, адабиётшуносликнинг янги сўзи асосида замонамизнинг юксак суръати ва шиддатли тафаккурига муносиб бўлган мукамал дарсликлар яратиш лозим.

Мавжуд муаммоларнинг илди-зига етиш учун, биринчи навбатда, мактаб ўқув адабиётлари қандай тайёрланади, уларнинг мазмуни қандай, давлат сиёсати ва қонунчиликда қайси йўналишларга эътибор берилмоқда, қайси мутахассислар, ижтимоий ва фан жамоалари бу жараёнга жалб этилади, деган саволларга жавоб топиш лозим. Чунки, ҳар бир дарслик — бу фақат матн эмас, балки бола онгида ўзига хос шахсият, жамиятга фойда келтирадиган инсон етишиши учун тўғри платформа ҳамдир.

Айрим экспертлар фикрича, мактабларда дарсликлар таъминоти муаммосини фақат давлат ёки давлат-хусусий шериклик асосида эмас, балки жамоатчилик ва ота-оналарнинг фаол иштироки асосида ҳал қилиш лозим. Чунки бола учун энг кучли мотивация оилада ва мактабда, ҳамкорликда шаклланади. Шу боис, янги дарсликлар ва қўлланмаларни яратишда ота-оналар ва ўқитувчиларнинг фикрини мунтазам ўрганиш, улардан келиб тушган таклиф ва изоҳларни амалда қўллаш самара беради.

Шу ўринда яна бир муҳим жиҳат — ўқув адабиётларининг мазмуни ва шаклида фанлараро интеграция, миллий ва умуминсоний қадриятлар, ахлоқий тарбия, амалий ҳаётга мослашган топшириқлар, креатив ва танқидий фикрлашни ривожлантирувчи мисол ва саволларнинг кўпайиши зарур. Болалар учун ҳар бир дарслик қизиқарли, тушунарли ва ҳаётий бўлиши керак. Айниқса, қўшимча машқлар, иллюстрациялар ва ҳақиқий воқеалар билан боғлиқ мисоллар болаларнинг қизиқишини оширади.

Электрон ресурслар, мобил иловалар, креатив топшириқлар болалар учун янада ўқишни осонлаштиради.



Таълим тизимидаги муаммоларни фақат сифат ва мазмун эмас, балки манбалар билан таъминлаш, плагиат ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, янги дарсликларни экспертиза қилиш ва апробация жараёнларининг шаффофлигини таъминлаш нуктаи назардан ҳам кўриб чиқиш лозим. Айрим мутахассислар ва мустақил таҳлилчилар фикрича, бугунги дарсликларда назарийлик, қолип, плагиат ва ҳаётдан узоклашиш ҳолатлари ҳам кўпайган. Баъзи гуманитар фанларда миллий тарих ва кадрятларнинг чала ёритилиши, ижтимоий фанларда долзарб ҳаёт мисоллар ва янги концепцияларнинг етишмаслиги, техник ва табиий фанларда амалий лойиҳа, жамоавий иш ва шахсий тафаккурни ривожлантирувчи топшириқларнинг камлиги таълим тизимининг асосий муаммолари сирасига киради.

Ривожланган давлатларнинг мактаб ўқув адабиётларини тайёрлашига эътиборни қаратадиган бўлсак, Финляндия, Сингапур, Жанубий Корея, Япония, Германия каби давлатлар мактаб ўқув адабиётларини тайёрлашда фан мутахассислари, ижодий гуруҳлар, педагоглар, жамоатчилик, ота-оналар ва давлат органларининг фаол ҳамкорлигини таъминлайди. Айниқса, Финляндияда дарсликлар давлат буюртмаси эмас, эркин муаллифлар ва фан жамоалари томонидан ёзилади. Ҳар бир мактаб ўқитувчиси тақдим этилган дарсликлар орасидан ўз услубига, мактаб анъанасига ва болаларнинг салоҳиятига мос китобни танлаш ҳуқуқига эга. Бу эса рақобат, мазмун бойлиги ва турфа фикрлиликка олиб келади. Сингапур ва Кореяда эса, дарсликлар марказлашган ҳолда тайёрланади, янги технологик воситалар, ҳаёт мисоллар, фанлараро интеграция ва ижтимоий лойиҳалар билан бирга, амалий машқларга алоҳида эътибор берилади.

Республикада ҳар йили ўнлаб янги дарсликлар, қўлланмалар, хрестоматиялар ва электрон адабиётлар ишлаб чиқарилади. Улар

турли босқичлар: дастлаб концепция, сўнг муаллифлар гуруҳи томонидан ёзилиши, илмий ва методик экспертиза, апробация (мактабларда синовдан ўтказиш) ва оммавий нашр этиш орқали жорий этилади. Бироқ, баъзи фанлар ва тоифаларда мутахассис кадрлар етишмаслиги, илмий-методик кенгашиларнинг ташкил этилишида халқаро экспертларнинг иштирок этмаслиги, амалий педагог ва психологларнинг етарлича жалб қилинмаслиги кўзга ташланмоқда.

Шунингдек, ҳозирги кунда электрон китоблар ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш имкониятлари чекланган ҳудудлар мавжуд. Масалан, айрим қишлоқ мактабларида интернет ёки компьютер етишмаслиги сабабли электрон ресурслардан фойдаланиш имконияти юқори эмас. Шу боис, ҳар бир ҳудуд ва мактабда китоблар билан таъминлашда логистика ва молиялаштиришга эътиборни янада кучайтириш зарур.

Охирида айтиладиган сўз шуки, таълим келажаги — бу, аввало, бола қўлидаги китоб келажагидир. Мактаб ўқув адабиётлари миллий ва умуминсоний кадрятларни, замонавий фан ютуқларини, ҳаёт кўникма ва фикрлаш салоҳиятини ўзида жамлаши лозим. Мактаб ўқув адабиётлари ёш авлод келажаги, миллат тараққиёти ва жамият маънавияти гаровидир. Ўзгаларга қараб ёки эскидан қолган қолиплар билан эмас, балки янги Ўзбекистоннинг замонавий, мустақил ва рақобатбардош таълим модели билан фахрланадиган, миллий руҳ, замонавий тафаккур ва глобал салоҳиятни уйғунлаштирган китоблар яратиш вақти етди. Бу йўлда давлат, жамоатчилик, илмий жамоа ва ҳар бир оила ўз масъулиятини тўла ҳис этиши, келажак учун жавобгарлигини англаши лозим.

Б. КОДИРОВ,

**Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузуридаги
Ижтимоий-маънавий
тадқиқотлар институти
бўлим бошлиғи**



ТАБИАТГА НИМА БЕРСАНГ, ШУНИ ОЛАСАН

Яқинда Қарши шаҳридан Тошкентга келиш учун қизим билан таксига чиқдик ва катта йўл четида 5-10 дақиқа яна бир йўловчини қутишга тўғри келди. Машина ичида ўтириб, 40 ёшлар чамаси эркак кишининг 1,5 литрли сув идишни қўли билан айлантириб-айлантириб йўл четида улоқтирганлигининг гувоҳи бўлдим. Тўғриси, кайфиятим бузилди, йўлларнинг чети шунақаям чиройли қилиб ободонлаштирилган, ям-яшил майсалар одамга ҳузур беради, манзарали дарахтлар шаҳар кўркига кўрк бағишлаб турибди. Қандай қилиб шундай гўзалликни кўрмаслик мумкин?

Секин машинадан тушиб, ўша сув идишини ўзим учун фотога олиб қўйдим ва ўша эркак киши бизга яқин келганида, раҳмат сизга яхши инсон, она табиат сизнинг бу эзгу амалингизни ҳеч қачон унутмайди, деб киноя қилиш билан чекландим.

Бизга қора кўзойнагининг тагидан маъносиз кулиб қўйди ва қўлни кўтарганча Тошкентга кетадиган таксиларга одамлар гаплашиб-ўртакашлик қилишда давом этди.

Шунақалар ўз фарзандларига нимани ўргатсин, қандай ўрнатсин!

Ахлат тўла қопда асосан ҳар хил ичимликлар ва музқаймоқ идишлари, чипс пакетчалари, нам, куруқ салфеткалар, синган бутелкалар, 18+ деган уйқуни учирадиган сеҳрли ичимлик қутилари, хуллас, аҳволимиз шу...

Ўйлаб кўрсам, кўчада чиқинди урналари ўрнатилмаган экан, лекин муаммога биргина урна тўлик ечим бўла олмайди.

Онг ўзгармагунча ҳеч нарса ўзгармайди.

Зарбиби ЧОРИЕВА,
журналист



Дарахтларга меҳр бермоқ,
уларни парваришламоқ – эзгу ва
хайрли амаллардан бири саналади. Кўчат
экиб, боғ яратиш, атроф-муҳитни тоза
ва озода сақлаш халқимизнинг асрлар
синовидан ўтган миллий қадриятларидир.
Зеро, аجدодларимиз оилада янги туғилган
фарзандга атаб ерга ниҳол қадаган.
Ўша дарахт билан бирга фарзанд ҳам
униб ўсган.

ИНСОНЛАР

ҲАЛОКАТИГА САБАБ БЎЛАЁТГАН ДАРАХТЛАР

билан ким шуғулланади?

Бугунги кунда дарахтларни асраб-авайлаш, яшил майдонларни кенгайтириш, шу билан бирга ноқонуний дарахт кесиш ҳолатларига қарши кураш ҳар қачонгидан ҳам кучайди. Бир неча йиллар илгари тап тортмай қатор дарахтларни кесиш, ўрнида турли қурилишлар олиб бораётган одамлар бугун ўрта ёшли кўчатларни кесилган олдин яхшилаб ўйлаб кўриб, тегишли ташкилотлардан руҳсат олиш масаласи устида бош қотира бошлагани қувонарли. Тўғри, бу борадаги ишлар ҳали етарли эмас. Қонун доирасида дарахтқушликка нисбатан жазо чоралари кучайтириляётганига қарамай, бундай кўнгилсизликлар ҳамон кузатилиб турибди. Бунинг инкор этмаймиз. Аммо қувонарли томони, бугун одамлар ўз уйи атрофидаги дарахтзорларнинг кесилишига қарши тура оладиган даражага етди. Ҳар қандай қурилиш лойиҳаларини жамоатчилик назоратидан ўтказиш зарурлигини яхши англай бошладик.

Аммо яна бир масала борки, назаримиздан четда қоляпти. Бу қуриб қолган дарахтларни ўз вақтида кесиш, ниманинг натижасида қуриб қолаётгани ва мавжуд дарахтларнинг касалланишига қарши кураш масаласидир. Ҳар йили “яшил макон” лойиҳаси доирасида мамлакат бўйлаб миллионлаб кўчатлар экиляпти. Ўтиборсизлик натижасида қуриб қолаётганининг ҳисоби юритилиб, тегишли ташкилотларга тушунтиришлар ҳам бериляпти. Бироқ биологик ёшини яшаб бўлган ёки қандайдир касаллик сабаб қуриб қолаётган катта дарахтларга эътибор қаратилмай қолиб кетаётгандек.

Қачонки, кучли шамол турса, интернетда эълон қилинаётган хабарларнинг албатта бир-иккитаси қайсидир жойда дарахт синиб ту-

шиб, машина ёки электр симларига зарар етказгани тўғрисида бўлади. Ҳаммамиз биламизки, яхши кўкариб турган дарахт шамол таъсирида осонликча синиб тушмайди. Қуртлаган, ёрилган ёки маълум бир сабаб билан шохлари синиб даражасига келиб қолганларида бу ҳолат кўпроқ кузатилади. Биз эса бунинг сабабларни ўрганишдан эринибми фақатгина “табiiй офатлар натижасида” деб ҳужжатлаштириш билан чекланиб қолаётгандекмиз. Эколог мутахассислар бундай дарахтларнинг ҳолатини мунтазам текшириб туриш зарурлигини таъкидлашади. Уларга кўра, кўп йиллик дарахтлар табiiй ёки иқлимий омиллар туфайли заифлашиб, хавф туғдириши мумкин.

Узокқа бормаймиз, яқин орада содир бўлган, мана шундай хавф туғдирган ҳолатлардан бир нечта мисолларни ёдга олсак:

Шу ой бошида, аниқроғи 3 июль куни Тошкент шаҳрида ғайриоддий, бироз даҳшатли кўринишга эга бўлган йўл-транспорт ҳодисаси рўй берди. Ҳодиса ижтимоий тармоқлар орқали кенг жамоатчилик диққатига тушди. Одамлар томонидан тарқатилган видео ва фотосуратларда улкан дарахтнинг йўлга қулагани, икки автомобилни тўғридан-тўғри босиб қолгани акс этган.

Мавжуд маълумотларга кўра, бу воқеа Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги Буюк Турон кўчасида содир бўлган. Қулаб тушган дарахт икки транспорт воситасини зарарлаган — Spark русумидаги енгил автомобиль ва Хитойда ишлаб чиқарилган замонавий электромо-

биль — BYD. Гувоҳларнинг таъкидлашича, воқеа содир бўлган вақтда бу машиналарда инсонлар бўлган, аммо омад билан ҳеч ким тан жароҳати

олмаган. Ҳайдовчилар ўз вақтида салондан чиқиб кетишга улгуришган.

2025 йил 25 май куни “Газета.уз” сайти орқали Тошкентда содир бўлган кучли шамол оқибатида дарахт икки фуқарони босиб қолгани хабар қилинди. Улардан бири оғир аҳволда шифохона қабулхонасида вафот этган. Иккинчиси реанимация бўлимига жойлаштирилган.

2024 йил 25 ноябрь куни соат 16:30 атрофида Яккасарой тумани Юсуф Хос Ҳожиб кўчасида Cobalt русумли транспорт воситаси устига қуриган дарахт шохини тушиб кетган. ЙТХ оқибатида Cobalt транспорт воситасининг йўловчисига биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида шифохонага олиб кетилган.

2024 йил 28 март тонгида Тошкент шаҳрида эсиши кучайган шамол натижасида жуда кўп кўнгилсизликлар кузатилган, бир неча дарахтлар қулаб тушиши оқибатида машиналар ва турли объектларга зарар етган эди.

Чилонзор туманида дарахт бутунлай синиб тушган ва бир машинани босиб қолган. Ҳайдов-

чини машинадан чиқариб олиш қийин бўлгани айтилган. Ирригация институти автотураргоҳида Cobalt машинасида дарахт қулаган. Мирзо Улуғбек туманида ҳам кучли шамол оқибатида дарахт қулаб, бир неча автомобилга зарар етган. Юнусобод тумани (Марказ-5), Spark устига дарахт қулаб тушган. Янгиҳаёт туманида (Спутник) ҳам дарахтлар ва шохлар автомашиналар устига қулаган, электр симлари шикастланган. Гувоҳларнинг айтишича, аҳоли жабрланмаган. Ўтиборли жиҳати шундаки, буларнинг барчаси бир кунда Тошкент шаҳрининг ўзида кузатиляпти.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтиришимиз мумкин. Аммо ўтган

ишни ортиқча муҳокама қилгандан кўра керакли хулоса чиқарган фойдалироқ. Мана ёз мавсумининг иккинчи ярмига ҳам етиб келдик. Ҳадемай куз эшик қоқади. Яна шамолли кунлар бошланади. Унга қадар юқоридагидек ҳолатлар такрорланмаслиги учун ҳозирдан ҳаракатларни бошлашимиз зарур. Дарахтларни асраб қолиш, ноқонуний кесилишига қарши курашиш албатта, жуда муҳим масала, бироқ қуриб қолганларини сақлагандан умуман фойда йўқ. Мухтасар айтганда, бугунги дарахтлар қайдай касалликлар натижасида қуриляпти? Қанча дарахт умуман қуриб бўлган? Уларни кесиш кимнинг вазифаси эканини аниқлаб олиш ва ўз вақтида бартараф этиш керак.

Экологияни асраб авайлашга масъул ташкилот ва идоралар томонидан ўтказиляётган экорейд тадбирларини юқори баҳолаймиз. Имкон борича турли экологик муаммоларни ўрганишга ҳаракат қилинаётгани таҳсинга лойик. Кейинги ўринларда мазкур мақоламиз орқали кўтарилган масалага ҳам эътибор қаратилса, барчамизнинг манфаатимиз учун яхши бўларди.

Камолитдин РЎЗИМАТОВ,
Ўзбекистон Журналистлар
уюшмаси аъзоси



АХБОРОТ ХИЗМАТИ — «ДЕВОР» ЭМАС, «КЎПРИК»

ёки инқироз пайтида Ахборот хизматлари

Ахборот хизмати учун энг масъулиятли ва синовли палла — бу кризис (инқироз) даврларидир. Айнан шундай вазиятлар учун ташкилотлар ўзлари учун профессионал Ахборот хизматларини ташкил этади, десак хато бўлмайди. Бугунги Ахборот асрида бундай инқирозли вазиятлар жуда кўп содир бўлади.

Дунё микёсида қарайдиган бўлсак, табиий ва техноген ҳалокатлар, ижтимоий норозилик ёки кутилмаган сиёсий ўзгаришлар, урушлар бўладими — барча ҳолларда жамоатчиликнинг энг катта талабларидан бири — бу ҳақида аниқ, тезкор ва ишончли ахборотга эга бўлишдир. Шунинг учун ҳам Ахборот хизмати жамият ва давлат ўртасидаги ишонч кўприги сифатида фаолият юритиши талаб этилмоқда.

Инқирозли вазиятларда, яъни кризис бошланиши билан жамоатчилик ахборотга чанқоқ ҳолда бўлади. Агар расмий манбалар сукут сақласа, бўшлиқни миш-миш, фейк хабар ва ҳадик тўлдирди. Тезкор баёнот бериш — камида факт борлигини тан олиш, текширув кетаётганини айтиш, ҳақиқатни яширмаслик, балки ишонч билан вазият назоратга олинганини хабар қилиб бориш энг яхши йўл. Бу фақат сўз эркинлиги эмас, давлатнинг фуқаролар олдигаги масъулиятли муносабати сифатида ҳам қабул қилинади.

Тан олиш лозимки, кўпинча давлат ташкилотлари Ахборот хизматларига “Муаммони қандай йўл билан бўлса-да ёпиш, яшириш” ҳам юклатилади. Аммо замонавий ахборот муҳитида бу йўл — фақат ишончли йўқотишга олиб келиши кузатилган. Тўғри ёндашув — муаммони тан олиб, вазиятни тушунтириш, одамлар нима кутишлари мумкинлигини айтиб бериш, қарор қабул қилиш жараёнини шаффоф етказишдир. Ахборотни тайёрлашда мувозанат бўлиши лозим, яъни ваҳимага солувчи сўзлардан сақланиш, лекин муаммони очик тан олиш, ишончли мустақамловчи услубда ахборот бериш, очиклик ва шаффофлик орқали жамоатчиликни вазиятдан хабардор қилиш. Мисол учун «... Айни дамда текширув кетмоқда. Хавфсизлик чоралар кўрилган. Расмий маълумотлар тайёр бўлиши билан эълон қилинади» деган баёнот ҳам жамоатчиликда хотиржамлик уйғотиши мумкин.

Ишончли сақлаш — доимий ва қатъий мулоқотни талаб этади

Кризис пайтида бир марта чиқиш камлик қилади, доимий ахборот

оқими зарур. Ҳар 3-6 соатда янгиланган маълумот, ҳатто янгилик бўлмаса ҳам, “ҳозирча ўзгариш йўқ, назоратда” деган хабар ҳам аҳамиятли. Бу ишончнинг узвийлигини таъминлайди.

Ахборот хизмати — “кўприк”, “девор” эмас...

Ташкилот раҳбарияти билан жамоатчилик ўртасида мунтазам мулоқотни таъминлаш ҳам Ахборот хизматлари зиммасида. Бунда журналистлар билан очик мулоқот олиб бориш, саволларга жавоб беришдан қочмаслик, телеграм, ижтимоий тармоқлар, сайтлар орқали оммавий мулоқот каналларини очик тутиш лозим.

Кризисли вазиятларда одамлар ахборотдан кўра ишонч, хавфсизлик ва тасалли излашади. Ахборот хизмати айна шу эҳтиёжни қондиради. Ахборот фақат воқеликни эмас, муносабатни ҳам етказиши. Шунинг учун давлат идоралари Ахборот хизматларини керакли ахборот - коммуникация технологиялари ва малакали мутахассислар билан таъминлаши, малакасини ошириб бориши ва уларни стратегия, таҳлил ва инқироз коммуникациялари бўйича тайёрлашни жадаллаштиришлари зарур.

Бунга бир нечта мисоллар келтирамиз.

Вазият: Яқинда ёғингарчилик мавсумида Самарқанд вилоятининг

Кўшработ, Пайарик, Жиззах вилоятининг Фориш туманлари ҳудудларида табиий офат кузатилди. Қучли сел натижасида баъзи жойларнинг йўл инфратузилмаси ва унга ёндош бўлган ҳудудларга зарар етган.

Бу вазиятда Ахборот хизматлари нима қилди?

Собиржон (Туман ҳокимлиги Ахборот хизмати раҳбари) — Сел оқибатида бир нечта ҳудудда электр ва йўл инфратузилмаси зарар кўрган эди. Жамоатчилик ташвишга тушиб қолишди. Бизнинг биринчи вазифамиз — вазият ҳақида зудлик билан маълумот бериш ва унга кўрилатган чоралар ҳақида одамларни хабардор қилиш бўлди. Ҳодиса содир бўлган куннинг ўзида 3 марта баёнот бердик. Ҳар бир баёнотда қисқа, аниқ ва ишончли маълумотлар бўлди. Шунингдек, ҳоким шахсан видеомурожаат билан чиқди.

Жамоатчиликнинг муносабати қандай бўлди?

Албатта, танқидлар, норозиликлар ҳам бўлди. Лекин биз уларнинг саволларига жавоб бердик. Энг муҳими — сукут сақламадик, вазиятни яширмадик, ҳаспўшламадик.

Салоҳиддин (Соғлиқни сақлаш тизими Ахборот хизмати раҳбари):

— Хабарингиз бор, пандемия бошланганда жуда кўп фейк — хабарлар тарқалганди. Бу давр Ахборот хизматлари учун жанг майдонига айланди, десак хато бўлмайди. Ҳар соатда янги савол, янги хавотир. Биз Telegramда расмий канал очдик, журналистлар учун алоҳида гуруҳ туздик, матбуот анжуманлари, брифинглар ўтказдик. «Беморлар сони яшириляпти» деган гап чиққанди. Биз шундан кейин статистик маълумотни ҳар куни муайян вақтда жамоатчиликка тақдим қилишни йўлга қўйдик.

Сардор (Ички ишлар Ахборот хизмати раҳбари): — Бир фуқаронинг вақтинчалик ушланиши видеога олиниб, ижтимоий тар-

моқларда “кийноқ” сифатида тарқалди. Бу жамоатчиликда қаттиқ норозилик уйғотди, албатта. Аввало, вазият расмий ўрганилаётганини эълон қилдик. Энг муҳими, воқеага ҳолис муносабат билдирилди. Вилоят прокуратураси билан келишиб, 48 соат ичида расмий муносабат чиқарилди. Биз бу баёнотни ҳар томонлама ишлаб, инсон ҳуқуқлари нуқтаи назаридан ҳам ёритдик. Вазифамиз — жамоатчиликнинг ишончига зарар етказмаслик. Шу боис, биринчи куннинг ўзида воқеага алоқадор шахслар билан суҳбат уюштирдик ва бунга жамоатчилик фаоллари ҳам жалб қилинди...

Юқоридаги воқеалардан кўришиб турибдики, баъзи вазиятларда Ахборот хизматлари фақат “оқлаш” билан шуғулланувчи ташкилот норасмий “адвокати” эмас, балки ижтимоий назорат, босимга очик бўлиш орқали ҳам ишончли тиклай олади ва вазиятни юмшатади. Хулоса қилиб айтганда, турли соҳалардаги Ахборот хизматлари ўз тажрибалари билан шунини кўрсатмоқдаки, ИНҚИРОЗ — хатар эмас, балки имконият ҳам бўлиши мумкин. Демак, ишончли йўқотмаслик, мулоқотга очик бўлиш ва тезкор муносабат билдириш — замонавий Ахборот хизматларининг энг муҳим вазифаларидандир.

Зеро, сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар замирида очиклик, шаффофлик ва жамоатчилик назорати муҳим аҳамият касб этаётгани кундек равшан. Бу шунчаки сўзлар эмас, бу — давлат сиёсатининг стратегияси. Бугун халқ ҳукумат билан, маҳаллий раҳбарлар билан фақат расмий маърузалар орқали эмас, балки эркин ва ҳаққоний ахборот воситалари ёки ижтимоий тармоқлар орқали ҳам мулоқот қилишни хоҳлайди. Ҳолбуки, бугунги халқчил сиёсатнинг ҳақиқий ижроси ҳам, кафолати ҳам айнан мана шу очик муносабатларда намоён бўлади.

Гулчехра БЕРДИЁРОВА



WSIS+20
HIGH-LEVEL EVENT 2025
7 - 11 July 2025
Geneva, Switzerland

WSIS+20 саммити: РАҚАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР МИЛЛИЙ СТРАТЕГИЯСИ ХАЛҚАРО МАЙДОНГА ОЛИБ ЧИҚИЛДИ

Аввал хабар берганимиздек, жорий йилнинг 7-11 июль кунлари Женевада ўтган “Ахборот жамияти бўйича Жаҳон саммити” (WSIS+20) юқори даражадаги саммити доирасида илк бор Прогрессив ислохотлар маркази ва Демократик жараёнларни таҳлил қилиш маркази ҳамкорлигида расмий панел сессияси ташкил этилди.

“Ўзбекистонда медиа ва АКТни ривожлантириш: Рақамли инклюзия ва инфратузилмани кучайтириш” мавзусидаги ушбу сессияда Ўзбекистоннинг рақамли ислохотлар режаси ва фуқаролик жамиятининг ундаги роли илк бор халқаро майдонда таништирилди.

Панел сессиясида рақамли ўзгаришлар жараёнида адолат, ишонч ва инновацияга таянган инклюзив жамият куриш масалалари муҳокама қилинди. Сессияда Прогрессив ислохотлар маркази директори Миршоҳид Асланов, директор ўринбосари Қадамбай Султанов, Демократик жараёнларни таҳлил қилиш маркази АКТ бўлими бошлиғи Умед Бурханов ва “Digital Generation Uzbekistan” координатори Уматой Юлдашева ўз тақдими билан иштирок этди.

“GIGA” ташаббуси вакиллари, BMT (UN) мутахассислари, “Women and Youth Advancement” президенти ва бош директори ҳамда “Dubai Security Circle” вакиллари иштирок этган мазкур сессияда халқаро ҳамжамият вакиллари Ўзбекистоннинг рақамли тараққиёт йўлидаги ҳаракатларини юқори баҳоладилар.

Прогрессив ислохотлар маркази директори Миршоҳид Асланов ахборот маконида юзага келаётган таҳдидларга тўхталар экан, бу жараёнда фуқаролик жамиятининг фаоллигини алоҳида таъкидлади. “Ёлғон ахборот тарқалиши ва интернетдан масъулиятсиз фойдаланиш бугун-

ги даврнинг асосий хавфларидан бирига айланди. Шундай шароитда фуқаролик жамияти вакиллари халқаро майдонларда фаол бўлиши, Ўзбекистондаги рақамли ислохотларни аниқ ва асосли маълумотлар билан таништириши зарур,” — деди М. Асланов. У, шунингдек, ахборот маконини соғломлаштириш ва халқаро ҳамкорликни кучайтириш лозимлигини қайд этди.

Марказ директори ўринбосари Қадамбай Султановнинг сўзларига кўра, Марказий банк, БМТ Тараққиёт Дастури ва фуқаролик



жамияти ташкилотлари билан ҳамкорликда рақамли молиявий саводхонлик бўйича мамлакат бўйлаб кенг кўламли кампаниялар ўтказилган. Ушбу кампаниялар sms, телевидение ва ижтимоий тармоқлар



орқали миллионлаб фуқароларга етиб борган. “2024-йил якунига кўра, рақамли иқтисодиётнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 24 фоизга етди. Бу — жуда муҳим

ўринбосари Қадамбай Султанов.

Панел сессияда мамлакатда жамоатчиликнинг электрон платформалар орқали сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнида иштирок этишини таъминловчи тизимлар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Саммит иштирокчилари Прогрессив ислохотлар маркази вакилларига бир қатор саволлар йўллади — улар орасида Ўзбекистонда рақамли тенгликни таъминлаш, ёшлар ва аёллар иштирокини кенгайтириш, шунингдек, ахборот хавфсизлиги билан боғлиқ масалалар бор эди.

Тадбир давомида “Digital Generation Uzbekistan” дастури координатори Уматой Юлдашева лойиҳа орқали 70 мингга яқин ёшлар рақамли фаолиятларга жалб этилганини, 500 дан ортиқ стартаплар яратилганини таъкидлаб ўтди. Хусусан, Гарвард университети ва Массачусетс технология институти (MIT) профессорлари иштирокидаги эксклюзив ўқув дастурлари технологияга қизиққан ўзбекистонлик қизлар учун сунъий интеллект, робототехника ва рақамли медиа соҳаларида билим ва илҳом манбаига айланган.

Маълумотларга кўра, 2024 йил якунига келиб рўйхатдан ўтган ОАВлар сони 2 349 тага етган. Бу 2016 йилдаги 1 514 та кўрсаткичга нисбатан сезиларли ўсишдир. Онлайн нашрлар сони эса икки бараварга кўпайиб, 738 тага етган, улардан 65 фоизи нодавлат ҳисобланади.

Панел сессияси якунида эса Ўзбекистон очик маълумотлар, сунъий интеллект, инфратузилма ва ижтимоий технологиялар соҳасида халқаро ҳамкорликни янада кучайтиришга тайёр эканини билдирди.

Дурдона ШАВКАТОВА





ЯЙЛОВ ФИДОЙИЛАРИ

эл-юрт фаровонлигига муносиб ҳисса қўшишмоқда

Юртимиз кино ижодкорлари томонидан суратга олинган “Чинор остидаги дуэл” фильми узоқ йиллардан буён телеэкран орқали намоиш этиб келинади. Фильм ижодкорлари асосан тоғу тошлар ҳамда учи-кети кўринмайдиган поёнсиз қир-адирларда сурув ортидан юрган чўпон-чўлиқларнинг ҳаётини тасвирга олишган. Аслида ҳам бу касб кишидан фидойи ҳамда матонатли бўлишни талаб қилади.

“Олға” қишлоғи кексаларининг ғалати мақоли бор: “Дехқон йиғса тинар, чўпон ўлса”. Яна айтишадики, “Дехқон дехқонга йили келса, чорвадор чорвадорга қирқ йил ўтса етишади”. Албатта, булар чорва ташвишларига қиёс бериб айтилган гап. Аммо, яйлов юки қанчалик оғир келмасин, бир ўзи қоладими, кўпчиликми, тунги пайт, осмонда юлдузлар ғужғон ўйнаган палла гулханга ўт қалаб, қумлоққа ёнбошлаганча чойдишга дамланган, бироз дуд урган, бироқ хуштаъм чойдан ҳўплаб, алламаҳалгача ҳаёл сурмаган, гурунгни авж олдирмаган чўпонни чўпон деб баҳолашмайди. Бежизга: “Қишлоқдаги янгиликни чўлда юрган чўпондан сўра” дейишмайди.

Нуробод туманидаги “Олға” масъулияти чекланган жамиятида чорвачилик кўз қорачиғидай асралмоқда. Сир эмаски, кўплаб чорвачилик хўжаликлари тугаб кетди. Баъзи жойларда яйловлар ҳам эгасиз эканидан ачинасан, киши. Шундай шароитда ҳам чорвани сақлаш, табиат инжиқликларига дош бериш чинаккам фидойиликни



талаб қилади. Ишбилармон раҳбар, мохир чорвадор Тўра Розиков раҳбарлик қилаётган мазкур жамият аҳлининг ота-боболари азал-азалдан чорвачилик билан шуғулланиб келишади. Негаки, бу ердаги қир-адирлар, поёнсиз яйловларда чорвани парваришлаш анча қулай. Бугунги кунда масъулияти чекланган жамиятининг 8,5 минг гектар майдонини ташкил этган яйловларида

4000 бош қўй-қўзи парваришланмоқда. Баҳорги қўзилатиш мавсумида 1900 бош қўзи олинди. Уларнинг асосий қисми ўстиришга қолдирилди.

– Чўпон оилаларининг ҳаёти беҳаловат, шу боис улар учун қанча хизмат қилсак оз, – дейди МЧЖ директори, мохир чорвадор Тўра Розиков. – Гап чўпон заҳмати, касбига садоқати ҳақида кетар экан, уларни қўллаб – қувватлаш, оиласи, рўзғори ҳолидан хабардор бўлиб туриш бизнинг бурчимиздир. Ёзнинг жазираси, куз изғирини, қаҳратон қишнинг чилласи, баҳорнинг серёгин кунларида чорвадор билан ёнма – ён бўлиш улар кучига – куч қўшади, албатта.

Бу йилги баҳор чорвадорлар учун анча синовли бўлди. Ёмғирнинг ўз вақтида бўлмагани чўпонлар учун анча мураккаблиklar туғдирди. Лекин қонида ота-боболари касбига меҳри баланд бўлган чорвадорлар бу қийинчиликларни мардонавор енгиб ўтишмоқда. Ана шундай бош чўпонлардан бири Анвар Жумановдир. Унинг отарида 280 бош она қўйи бор. Баҳорги мавсумда 252 бош қўзи олиб ўстиришга қолдирди. Анвар 12 йилдан буён бош чўпонлик қилиб келади. Унинг отаси Эшмурод бобо 72 ёшдалар. Умри баҳаво тоғларда, поёнсиз яйловларда кечгани боис, ҳамон тетик. Қоракўлчилик, чўпоннинг дала уйи, отар, сурур ҳақида гап кетса, бир қўзғалиб оладида, яйраб гапга тутинади.

– Чўпон тағимни ярим аср ел камда тутдим. Мен касбимни қанча эъзозлаган бўлсам, касбим ҳам мени элга шунча танитди, ардоқлади. Шукр, фарзандларим, набираларим тағимни ерда қолдиришмади.

Бош чўпон Бобур Тўраевнинг отарида 210 бош она қўйи бор. Бу йилги мавсумда 200 бош қўзи олиб ўстиришга қолдирди. Бобурга ҳам

чўпонлик ота касб. Отаси Норхўроз бобо ҳам бир умр чўпонлик қилган.

Бугун бобонинг ўғиллари Машраб, Алишер, Бобурлар чўпонлик касбини давом эттиришмоқда.

Бош чўпон Раҳмат Назаровга чўпонлик ота касб. Отаси Раҳмон Назаров бош чўпон бўлган. Бобоси раҳматли Дамин бобо Назаровнинг донгдор чорвадор бўлганлигини кўпчилик яхши билишади. Раҳмон ака турмуш ўртоғи Ойдин Назарова, куёви Рамазон, укаси Ғофирлар билан биргаликда сурув кезди. Раҳмон аканинг меҳнатлари муносиб тақдирланиб, 2004 йилда “Шухрат” медали билан тақдирланди. Раҳмат Назаров қўй боқаётган Гумбаз яйловларида бўлган кишининг қалби яйраб, руҳиятида ажиб тетиклик пайдо бўлади. Бу бежиз эмас албатта. Чунки, бепоён яйловларда сурур кезиш инсондан кучли ирода ва сабр-тоқатни ҳам талаб қилади. Чўпонлар заҳмати ҳақидаги сухбатимизни бош зоотехник Неъмат Хидиров билан давом эттирдик.

У киши чўпон-чўлиқларга муносиб шароит яратиш, чорвачиликда наслчиликни ривожлантириш орқали қўйчилик генафондини яхшилаш, интенсив сўғориш усулларида фойдаланиб яйловбоп экинларни кўпайтириш режалари ҳақида узоқ гапирди. Бу борада эса қатор ишлар ҳам амалга оширилаётганини таъкидлади. Айтиш ўринлики, ҳозир вилоятнинг айнан шу ҳудудида наслчилик ишлари сақлаб қолинган.

Неъмат Хидиров жонкуяр зоотехник, ўз касбининг фидойиси. Неъмат акани талабалик йилларидан биламан. Раҳматли дўстим Саид Тангиров шу қишлоқдан эди. Баҳор пайтлари бориб, табиат манзараларидан завқланиб келардик. Йиллар ўтди, Неъмат ака раҳматли дўстим билан қуда бўлди. Лекин, унинг дўстлари билан меҳр-оқибат ришталарини узмади.

Бу қишлоқ одамлари ана шундай, бир-бирига меҳр ва оқибатли. Улар билан сухбатлашиб, эртанги кунга умиди баланд, мард ва матонатли инсонлар кўплигидан қувонасан, киши.


Ориф ХОЛИҚУЛОВ,
журналист



ШАҲАР БЕДАРВОЗАМИ?!

ДАРАХТ КЕСИШГА ИСЁН,
ПИВО ФЕСТИВАЛИГА СУКУНАТ

Жорий йилнинг 27-29 июнь кунлари Тошкент шаҳрида “Пиво фестивали” бўлиб ўтди. Майдон одамлар билан гавжум бўлди. Иштирокчиларнинг аксарияти ёшлар. Русийзабон ОАВда бу мавзу зўр ёритилди. Ўзбекзабон ОАВлари, зиёлилар жим. Тошкентнинг нариги томонида эса Ислон цивилизация маркази қад ростлаяпти...



Пиво фестивали биринчи марта ўтаётгани йўқ. Бу тадбирни ўтказиш анъанага айланиб бормокда. Ўзбек жамиятида ҳам спиртли фестиваллар очикчасига, оммавий шовқин ва реклама билан ўтказилапти. Баъзи доиралар бу каби фестивалларни «туристлар учун», «шаҳарни очик ва замонавий кўрсатиш учун» деб асослашади. Лекин савол туғилади: оқибатини ҳисоб-китоб қилмаган «очиклик» ривожланишми ёки ўзликдан воз кечишми?!

Ҳеч бир замонавий шаҳар ўзлигини топтаб ривожланмайди. 1886 йилда Тошкентнинг янги шаҳар томонида туб аҳолини издан чиқариш учун атайлаб “Пиён бозори” очилганидан ҳабаримиз бор. Чоризмни тушунса бўлади. Бугунчи? Бугун бу тадбирни ким ва нимага қўллаб-қувватламокда?!

Ўзбекистон Германия эмаски, ҳар йили шугина тадбирдан 1 миллиард евродан ортиқ даромад олиб келса... Ёшларимизга атиги 5 минг сўм

эвазига спиртли ичимлик таклиф этишни эса оқлаб бўлмайди!

Тошкент — мамлакатнинг юраги. Маданият, сиёсат, туризм, медиа — ҳаммаси мана шу ердан бошланади. Демак, бу ерда ўтказилган ҳар қандай тадбир бутун мамлакат учун намуна бўлмоғи даркор. Бироқ бу кетишда бу каби тадбирлар Бухоро, Самарқанд ва ҳатто Қўқонгача етиб бориши ҳеч гапмас. Балки етиб боргандир ҳам... Пиво фестивалини айнан Тошкентда ўтказиш — бу шунчаки фаоллар ёки бизнес ташаббуси эмас, балки халқнинг миллий анъаналари ва ўзлигига тупуришдир.

Бугун пиво, эртага вино, кейин спиртли барлар, ҳеч қандай маданий чекловсиз тадбирлар — шундай кетма-кетликда жамиятни сездирмасдан ўзгартириш мумкин.

Албатта, кимнинг нима ичиши унинг шахсий танлови. Лекин бу танлов жамоат жойида, бутун жамият кўз ўнгида тарғиб этилишига йўл қўйиб бўлмайди. Эркинлик тушунчаси маданиятсиз-

лик ва ҳадсизликка аралашиб кетса, бу жамиятнинг ўзлигини йўқотишидан дарак.

Жамоатчилик бу каби оммавий тарғиботларга қарши фикр билдириши керак эмасмиди?!

Ахир, бугун маънавият ва ёшлар масаласида етарли ишониш қийин бўлган муаммолар бор. Мутахассисларнинг фикрича, Ўзбекистонда айти кунда энг ёш гиёҳванднинг ёши 12да...

Демак, бугун баҳс очилган масала бу фақат дарахт масаласи эмас, бу — инсоннинг ўз ҳаёти, келажагига боғлиқ масала. Агар бир ёғоч учун жамият шундай фаол кўзғалса — демак, бу жамиятдан катта умид кутиш мумкин. Бироқ бу борада ҳам икки хил стандарт борга ўхшайди: дарахт кесишга исён, пиво фестивалига сукунат!!!

Хулосам: Дарахтни қандай ҳимоя қилсак, ўз-лигимизга дахлдор масалада ҳам шундай собит бўлайлик. Зеро дарахтнинг бўшини барибир қурт ейди....

Феруза МУҲАММАДЖОНОВА

Таассуф



МАЗМУНСИЗ УМР

Тонг отиб, кунлар ботаяпти. Кимдир ўқишга, кимдир ишга шошган. Билим олиб, ҳунарли бўлишга ва ана шу ҳунар орқасилдан даромад топишга нитилаётган ва изланаётган ҳамюртларимиз жуда кўп. Аммо улар орасида ўзгалар ҳисобига ҳаёт кечиришни “қасб қилган”лар ҳам учраб турибди.

Тошкент шаҳрида яшовчи Х. Қ. муқаддам босқинчилик, товламачилик, ўғрилиқ жиноятини содир этганлиги учун озодликдан маҳрум этилган эди. Бироқ у бу гал ўзгаларни алдаганлиги учун яна судланди. Гап шундаки, Х. Қ. ўтган йили 6 сентябрь кuni пойтахтимизнинг Олмазор туманида жойлашган “Талабалар” шаҳарчасида бир фуқарони алдайди.

Ўша кунлари Ф.Х. “Спарк” автомобилани таъмирлаб, сотиш учун бозорга олиб чиқади. Шунда унга бозорда автомашина олди-сотдиси билан шуғулланадиган танишлар телефон қилиб, харидор борлигини айтишади. Ф. Х. харидор билан учрашиш учун “Талабалар” шаҳарчасидаги нотариал идорага боради. У харидор Х.Қ. билан машинани 7

300 АҚШ долларида савдолашишди. Харидор бўлиб тўлаш шарт билан бошланишига 1000 АҚШ доллари ва пулнинг қолган қисмини 30 ой давомида ҳар ойда 250 АҚШ долларида берадиган бўлади. Сotувчи “Спарк”ни сотиш ҳуқуқсиз фақатгина бошқариш ҳуқуқи билан ишончнома қилиб беради. Шу ўринда жабрланувчининг суддаги кўрсатмасини келтирсак:

— Ўзаро савдолашишимиздан кейин Х.Қ. машинани ҳайдаб кетди. Пул бериши керак бўлган вақтда эса телефон қилсам, жавоб бермади, турли баҳоналар билан мени алдаб юрди. Кейин билсам, машинани бегона фуқарога сотиб юборган экан. Алданганлигимни билганимдан кейин тегишли жойга мурожаат қилдим. Ҳозирда Х.Қ. томонидан

менга етказилган моддий зарар тўлиқ қопланган. Унга нисбатан ҳеч қандай даъвоим йўқ.

Х.Қ.нинг “қармоғи”га илинганлардан яна бирининг суддаги кўрсатмаси:

— Ўтган йили декабрь ойида автомашина сотиб олиш учун Сергелидаги бозорга бордик, — дейди жабрланувчи Ю.Д. — Бозорда “Баҳодир” исмли машина олди-сотдиси билан шуғулланадиган шахс “Спарк” русумли автомобилани кўрсатиб, Х.Қ. билан таништирди. Шунда биз машина эгасига бошланғич тўлов сифатида 1 400 АҚШ доллари беришга ва ҳар ойда 400 АҚШ долларида 13 ой давомида ижара пулини тўлашга келишдик. Пули тўлиқ тўлангач, у менга “Спарк”ни расмийлаштириб берадиган бўлди.

Ўша кuni ишончнома қилиб беринг, деганимда, у бугун нотариус ишламайди, эртага ҳаммасини қилиб бераман деди. Кейин билсам, у фирибгар экан...

Яқинда беш марта судланган Х.Қ. нинг жиноий иши судда кўриб чиқилди. Унга нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси, унинг шахси, шунингдек, у жазони ўташ даврида ғараз ниятда яна янги жиноятни содир қилганлиги оғирлаштирувчи ҳолат деб баҳоланди. Шундай қилиб, Х.Қ. узил-кесил 5 йил 1 ой муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Жиноят кодексининг тегишли моддасига асосан Х.Қ. ўта хавфли рецидивист деб, топилди.

Агарда Х.Қ. тўғри йўлдан юриб, ҳалол меҳнат қилганида бошига бундай кунлар тушмасди. 18 ёшида жиноятга қўл уриб, мазмунсиз ҳаёт кечирган бу йигитнинг қисмати ҳаммамизни ўйлантиради. Нега у эгри йўлдан юрди? Унинг бу аҳволга тушишига нималар сабаб бўлди экан?..

Баҳодир ҚАЮМОВ,
жиноят ишлари бўйича
Яккасарой туман судининг
судьяси.



МАҲАЛЛИЙЧИЛИКНИ ЁМОН КЎРАМАН

Ўзи бу аслида ўта хунук иллат, миллатни, юртни еб битирадиган занг. Айирмачилик, «сен у ердан», «мен бу ердан» деб гап талашиш ўта беъмани ва бачкана ҳолат.

Талабаликка тайёрланиб юрган пайтимда бир домламиз дарс беришдан кўра уйида ишлатишни кўпроқ биринчи ўринга қўявергани учун, икки-уч ойдан кейин секин жуфтакни ростладим. Орадан маълум фурсат ўтиб, у менга: «сен ўкиб ўтирма, фойдаси йўқ барибир» деди. У билан айтишиб ўтирмадим. Талабалик насиб этиб, пойтахтда ишлаш ва яшаш насиб этгач, орадан кўп йиллар ўтиб бир танишимизнинг тўйи баҳона ўша домлани учратиб қолдим. Катта бир даврада гапдан гап чиқиб у менга имлаб: «бизни шогиртта бу, жуда тиришқоқ эди-да», деди. Кулиб қўя қолдим.

Талабаликда Сурхондарё, Қашқадарёдан келиб ўқиётган талабаларга ҳавас қилардим. Улардаги ахиллик, бирдамликка қойил қолардим. Бу ҳақда бир дўстимга айтсам, э, уларга ҳавас қилма, улар бошқаларни тан олмайди, деди. Лекин мен уларнинг бирлашишида ёмонлик кўрмагандим. Ўзини ҳам, биродарини ҳам ҳимоя қилолмайдиган бошқаларга ибрат эди улар ҳар ҳолда... Сурхондарё, Қашқадарёда саноксиз дўстларим бор, бирортаси шумлиқни билмайди, қайтанга худди далаларидай бағрикенг, мард инсонлар бари. Наманганга борсам, кучоқ очиб кутиб оладиган, дуо қилиб кузатадиган бекиёс дўстларим бор, Хоразмнинг ярми дўстим, ярми оғаларим, Андижон, Сирдарё, Навоий, Бухорода қанчадан-қанча улуғларим, устозларим бор. Умуман қаерга борсам, камид бешта дўст орттириб келаман.

Энди Тошкентга келсак, Аллоҳ ризқимизни шу заминга сочган экан, кўплар қатори уни териб юрибмиз. Ўзимизникилар баъзан орқадан пичок санчган пайтларда меҳрни, одамийликни шу тошкентликлардан кўрдик. Эсимда, Чорсу бозори атрофида, ҳозир

бузилаётган меҳмонхона рўпарасидаги бир домда ижарада турардик. Уй эгаси зиёли, асли тошкентлик, ўта маданиятли киши эди. Энди уйланган пайтим бўлгани учун отахон мендан ҳадеганда ижара ҳақини сўрамасди.

Бўш пайтларда у кишининг бизнинг хонамизга қўйилган китоб жавонини варақлаб ўтирардим, Жаҳон адабиётининг намуналари йиғилган эди бу жавонда. Ўшаларни тинмай ўқирдим. Менинг китоб мутолаасига муккасида кетганимни кўрган уй соҳиби икки ойлик ижара ҳақидан воз кечди. Ўша пайт бу ҳолат мен учун жуда катта ёрдам эди. Унга ҳеч ким эмасман, у ҳам менга ҳеч ким эмас. Пулдан қийналаётганимни биларди, холбуки уйда ногирон фарзанди бор эди унинг. Уни тинимсиз дўхтирлар парвариш қилар, муолажа учун мендан ҳам олдиндан ижара пулини олишга ҳаққи бор эди. Қаранг, у шундай қилмади, мусофир, ёш деб мени аяди, кўчага ҳайдаб солса бўларди. Аммо ундай қилмади, одамийлик деган баланд рутбадан туриб, менга хайрихоҳлик қилди. Бир тошкентликнинг «маҳаллийчилиги» бўлса шунча бўладида...

Жиззахлик, бугунги кунда катта бир тадбиркор бўлиб танилган акамиз бир оғиз илтимосимизга йўқ демай, кам таъминланган оиланинг ногирон фарзандини ўз ҳисобидан даволатиб берган эди. Э, бор, сен ўзи менга кимсан демади.

Хоразмдан кунора телефон қилиб, аҳволимни сўрайдиган биродаримнинг бу «айирмачилигини» қандай баҳолай?

Бундай мисоллар ҳар биримизда бор. Айирмачилик, мен баландман, сен пастсан, деган ирқчилик иддаолари Ғазони не куйга солаётганини бутун дунё кўриб турибди. Эфирда бошқа, ўзаро суҳбатда бошқа бўлган тўртюзламачилар, бешюзламачилар кўпайиб бораётган, она заминни титратаётганлар сафи ортиб бораётган бу даврда бизни маҳаллийчилик, айирмачилик эмас, бағрикенглик, одамийлик, самимият қутқаради.

Ёт элларда хор бўлмаслик, шу юртда улуғ бўлиш, миллат сифатида раванг топишнинг бирдан бир йўли — Ахиллик, бирдамлик!

Мақсуд ЖОНИХОНОВ

МУАССИСЛАР:

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси

Савдо-саноат палатаси

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси

Таҳрир ҳайъати:

Азиз АБДУҲАКИМОВ
Қаҳрамон ҚУРАНБОЕВ
Акмал САИДОВ
Ақтам ҲАЙИТОВ
Қамолитдин ИШАНХОДЖАЕВ
Даврон ВАҲОБОВ
Отабек ҲУСАНОВ

Бош муҳаррир

Мақсуд ЖОНИХОНОВ

“Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Манзил:

Буюк Турон кўчаси 41.

Буюртма рақами Г-710

Адади: 1600

Пайшанба куни чиқади.

Қоғоз бичими А-3,

ҳажми 3 босма табоқ.

Баҳоси келишилган нархда.

2024 йил 2 августда

Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги

Ахборот ва оммавий

коммуникациялар агентлиги

томонидан 0010-рақам билан

рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7722

Боғланиш учун

телефонлар:

99-994-70-52

98-111-48-29

Электрон почта:

jamiyat@mail.uz

Газета индекси — 131

“ЖАМИЯТ” дан олинган

маълумотларда манба

сифатида газета номи

кўрсатилиши шарт.

Топширилган вақти: 20:00

1 2 3 4 5 6

Газетанинг навбатдаги сони 2025 йил 7 август куни чиқади.

УЧ БИРЛИК — БОҚИЙЛИК БЕЛГИСИ

(ВАТАН, МИЛЛАТ, ХАЛҚ УЧУН)

Ватан, Миллат ва Халқ тушунчалари одамзод учун энг олий қадрият. Ушбу уч тушунча инсоннинг маънавий-ахлоқий мезони, фидойилик тамсили ва фаол фуқаролик позициясини белгилайди. Улар алоҳида қаралса ҳам, бир-бирига узвий боғланган ягона уйғунлик — уч бирлик сифатида жамият тараққиёти, миллий ўзлик ва давлат барқарорлигининг асосий таянчи бўлиб хизмат қилади.

“Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги Президент қарори ана шу руҳ билан сўғорилган. Қарорга кўра, миллий истиқлолимизнинг 34 йиллик шонли санаси Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт даражаси, жаҳон майдонидаги обрў-эътиборига ҳар томонлама муносиб тарзда, юксак савияда нишонланади.

Мустақилликнинг 34 йиллигига бағишланган байрам тадбирлари «Ватан учун, миллат учун, халқ учун!» деган эзгу ғояси остида ўтказилиши, айни пайтда «Она диёр — ранглар жилосида», «Ватан учун яшайлик!», «Энг улуг, энг азиз» каби анъанавий кўрик-танловлар билан музайян этилиши уқтирилди.

Ватан — борлик, у табиат ва жамиятнинг узвий бирлиги билан боғлиқ ҳудуд бўлса, Миллат — бойлик, у тили, қадриятлари, урф-одат, анъаналари билан ўзлигини сақлай олиш, Халқ эса — борлик, яъни мавжудлик мезони муштарак мақсадлар билан истикбол сари интилувчи куч.

Жон ва тан бу — жон Ватандир. Инсон кўзсиз, қўлсиз, оёқсиз яшаш мумкин, лекин у ватансиз яшаб билмайди. У инсон туғилиб, камолга етадиган, рухий ва моддий борлигини англайдиган таърифсиз, муқаддас, киндик қон тўкилган макон. Унинг мавжудлиги инсон ҳаётининг жисмоний ва маънавий борлигини белгилайди. Ҳар қандай инсоннинг ёшлиги, ёдгорликлари, муқаддас хотиралари Ватан билан боғланади. Ҳар қандай давлатнинг миллий хавфсизлиги ва тинчлиги аввало, ватаннинг сақланишида ҳимоясидадир. Зероки, ғоямиз — ҳимоямиз. Шунинг учун ҳам Ватан муқаддас, уни асраш ҳар биримизнинг бурчимиздир деган шиор бежиз эмас. Демак, унинг қадрини, ободлигини сақлаш, унинг истикболи учун жон фидо қилиш ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

Ватанини йўқотган миллат барқарор борлигини йўқотганлигига тарих шохид. Масалан, тарихдаги сарматлар, скифлар, хазарлар тарихига бир назар кифоя.

Мустаҳкам фуқаролик жамияти барпо этишда ҳар бир инсон ўз меҳнати, қобилияти билан Ватан равнақига ҳисса қўшади. Масалан, фермер ўз ерини боқий обод қилса, ўқитувчи илм билан келажакни тарбиялайди ва хоказо.

Миллат — маънавий бойлик, тарихи ва мадани-

яти билан қадрли. Миллат — умумий тил, тарих, урф-одат ва қадриятларга эга бўлган ижтимоий-рухий бирлик. Унинг бойлиги — юз йиллар давомида тўпланган маънавий ва моддий меросида. Бошқача айтганда, у тарихий ёдгорлик эмас, яшовчи куч бўлиб, умумий тарих, тил, дин, маданият, урф-одат билан боғланган жамиятнинг умумий жонидир. Миллат бирлашуви халқнинг яқдиллиги, бирлигини таъминлайди. Миллат ўз қадриятларини қадрласа, бу унинг маънавий қудратини белгилайди. Мисол сифатида айтиш мумкинки, Ўзбек тилининг давлат тили мақомини олиши нафақат расмий ҳуқуқ, балки миллий ўзлик тимсоли бўлди. Шунингдек, “Наврўз” байрамининг ЮНЕСКО томонидан инсониятнинг номоддий мероси сифатида эътироф этилиши миллий қадриятлар халқаро микёсда ҳам тан олинаётганини кўрсатади. Шунингдек, ўша нуфузли ташкилот томонидан ўзбек миллий ракси, Бахшичилик санъати, палов миллий мерос сифатида эътироф этилгани ҳам худди шу мулоҳазаларимизнинг тасдиғидир.

Миллат ўз қадриятлари, тили, адабиёти ва санъати орқали жаҳон тамаддунига ҳисса қўшади. Миллат йўқолса — тил, маданият, адаб ҳам йўқолади. Алишер Навоий, Ибн Сино, Форобий — ўз миллатларининг илмий бойлигидир. Миллат — бойликдир, чунки у ёлғиз моддий эмас, маънавий, тарихий, эстетик қимматга эгадир.

Халқ — миллий бирлик ва ижтимоий адолат пойдевори. Халқ — бу Ватанни обод қилувчи, Миллатни яшовчи кучга айлантирувчи омил. Халқнинг фаровонлиги давлатнинг асосий вазифасидир. Агар халқ ҳурматда бўлса, миллат улугланади, ватан ёритилади.

Мисол сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистонда “Инсон қадри учун” ғояси марказий сиёсий ва ижтимоий стратегияга айланди. Унинг асосида халқ манфаатини биринчи ўринга қўйиш мақсади турибди. Пандемия даврида шифокорлар, волонтерлар ва оддий фуқаролар халқ хизматида фидойилик кўрсатишди. Бу халқпарварлик ва юксак ҳамжихатлик намоёнидир.

Халқ — бу тирик жамият, онгли омма, миллий ғояларни амалга оширувчи ижтимоий субъект. Халқ бор экан, Ватан ҳам, Миллат ҳам ҳаёт кечиради.

Мулоҳазаларимизга мантиқий қудрат бахш

этувчи ушбу афоризмларни келтириш ўринлидир. Халқсиз ватан — ташлаб кетилган ер. Халқсиз миллат — илдизсиз шох. Халқ — ижодкор, бунёдкор, ҳимоячи ва сақловчи табиатга эга.

2020 йилдаги пандемия даврида халқнинг бирдамлиги, ўзаро ёрдам руҳи давлатни кучли қўллаб-қувватлади. Маърифатпарвар адиб Абдулҳамид Чўлпон ибораси билан айтганда, “халқ денгиздир, халқ тўлқиндир халқ кучдир”. Халқ — миллатнинг ҳаётдаги “нафаси”, борлиқнинг реал ифодасидир. Шу боис у борлигимизнинг белгиси ҳисобланади.

Уч бирлик — абадий бағрикенглик рамзи. Ватан, Миллат ва Халқ — бу абадий уч бурчак. Уларнинг бирлигини асраш — жамиятнинг рухий барқарорлигини, маънавий етуклигини таъминлайди. Бугунги ёш авлод ана шу уч бирлик асосида тарбияланса, келажак — маърифатли, теран тафаккурли ва юксак масъулиятли инсонлар қўлида бўлади.

Ватанни севиш — иймондан эканини, миллатни ардоқлаш шарафли бурч, халққа хизмат қилиш инсонийлик туйғуси эканини билган ҳар бир ёш ватан қайғуси ва ватанпарварлик туйғусини теран ҳис этади.

Мустақиллигимизнинг 34 йиллиги арафасидаги ушбу шиорнинг — уч ғоя уйғунлигининг фалсафий ифодасидан келиб чиққан ҳолда, шуни таъкидлаш мумкинки, Ватан — бу бизнинг маконимиз, ватанпарварлик эса макондаги имконимиз. Миллат — рухий ва маданий бойлигимиз бўлса, халқ эса ана шу қадриятларни яшовчи ва сақловчи мақжудлигимиз манбаидир.

Бу учаласи бўлмаса — жисмсиз танадек, руҳсиз миллатдек, мақсадсиз жамиятдек заиф ҳолат юзага келади. Шунинг учун ҳам бу учлик — инсон, давлат ва жамият бирлигидаги маънавий тиргақдир.

Барча ҳаракатларимиз, муштарак мақсадларимиз мустақиллигимизнинг теран илдизлари бўлган ана шу учта тушунча билан уйғун. Ватан, миллат, халқ — борлигимиз, бойлигимиз, боқийлигимиз белгиси. Бу тушунчалар бирдамлик ва бардамликка чорловчи давлатимиз раҳбарининг даъвати ҳамдир.

Шундай экан, ўз меҳнату қобилиятини, билиму иқтидорини ватан, миллат ва халқ учун сафарбар эта олган инсонни чинакам ватанпарвар, миллатпарвар, халқпарвар, энг муҳими, маърифатпарвар дейишга ҳаққимиз бор.

Раҳимбой ЖУМАНИЁЗОВ,
Профессор, Ўзбекистон Ёзувчилар ва
Журналистлар уюшмалари ҳамда
“Маърифат” тарғиботчилари
жамиятининг аъзоси, “ТИҚХММИ” МТУ
матбуот котиби

